

---

## Сектор раҳбари меҳнатободлик ёшлар билан учрашди

*Тошлоқ тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Джурабаев 23-мактабда 20 нафарга яқин ёшлар билан учрашди. Унда ДХХ Марғилон туманлараро бўлими бошлиғи Ш.Хатамов ва туман прокурори А.Худойбергеновлар ҳам иштирок этишди.*

*Учрашув аввалида сектор раҳбари мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, туманимиздаги ёшларнинг бугунги кундаги ташаббускорлиги, ижодкорлиги ҳақида фикр билдириб, туманимизда улар учун яратилган шарт-шароитлар, тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиш истагини билдираётган фуқаролар, айниқса ёшларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида тўхталиб ўтди.*

*Шундан сўнг ёшларнинг мурожаатларини тингланди. Тадбир давомида 20 нафарга яқин ёшларнинг мурожаатлари, таклифлари эшитилиб, 11 таси шу ернинг ўзида ҳал этилди. Ўнга яқин мурожаатлар эса назоратга олинди.*

*А.Джурабаев тадбир давомида ҳудуддаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечим топиши учун амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берди.*

2022-01-20 18:36:09